

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ**

**МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ХОДИМЛАРИНИ  
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ  
РЕСПУБЛИКА ЎҚУВ-МЕТОДИКА МАРКАЗИ**

**ХТХҚТУМОИ мактабгача таълим бўлими ўқитувчилари, ҚР  
ХТВ, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ХТВ мактабгача таълим бўйича  
мутахассислари, ҳудудий таълим маркази, ХТМФМТТЭ туман  
(шаҳар) бўлимларининг мактабгача таълим бўйича мудира, методист,  
психолог, дефектолог, тарбиячиси, жисмоний тарбия йўриқчиси,  
музыка раҳбарлари малакасини ошириш курсининг  
мутахассислик бўйича намунавий ўқув-мавзу режа ва  
дастури**

## **XV – тўплам**

MT129 - ҚР ХТВ, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ХТВ мактабгача таълим бўйича мутахассислари, ҳудудий таълим маркази, ХТМФМТТЭ туман (шаҳар) бўлимларининг мактабгача таълим бўйича методистлари

MT130 - Мактабгача таълим муассасалари мудиралари.

MT131 - Мактабгача таълим муассасалари методистлари.

MT133 - Мактабгача таълим муассасалари дефектологлари

MT134 - Мактабгача таълим муассасасининг психологлари

MT135-Мактабгача таълим муассасасининг жисмоний тарбия йўриқчилари

MT136 - Мактабгача таълим муассасасининг музыка раҳбарлари

MT137 - Мактабгача таълим муассасасининг тарбиячилари

MT140-Махсус мактабгача таълим муассасалари тарбиячилари

**Тошкент – 2016**

## Сўз боши

Кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизими миллий таълим моделининг муҳим таркибий қисми сифатида таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрлари томонидан янги маълумотларни, янги билим, янги кўникма ва малакаларни олишнинг бош манбайи ҳисобланади, шунинг учун ҳам, айнан мазкур тизим, маълум маънода, таълим тизими ходимларининг соҳада амалга оширилаётган модернизация жараёнларига тайёрлиги учун масъул ва шу боис унга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг бугунги кунда ҳам долзарб бўлган “... бугун фарзандларимизга кимлар таълим-тарбия бераётгани, педагогик кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизими қандай ташкил этилаётгани ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Бу масала умумий ўрта ва ўрта махсус таълимни ислох қилиш тизимининг энг долзарб вазифаси бўлмоғи зарур”<sup>1</sup>, - деган фикрлари педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга берилаётган эътиборнинг қай даражада муҳим эканлигини намоён қилиб турибди.

Мустақил ривожланиш даврида мамлакатимизда ушбу тизимнинг муваффақиятли фаолият кўрсатиши учун барча шароитлар яратилгани таълим соҳасида қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда ўз аксини топган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 февралдаги «Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги 25-сонли ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 августдаги “Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 234-сонли Қарорлар мазкур ҳужжатлар орасида алоҳида аҳамиятга эга. Мазкур Қарорлар билан педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимига мажбурий талаблар қўйилди; тизим таркибига кирувчи бўлинмаларнинг вазифалари белгилаб берилди; қайта тайёрлаш ва малака оширишнинг тур ва шакллари келтирилди; педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни ва сифатига умумий талаблар билан бирга ўқув юкмаси ҳажми ва педагог кадрлар тайёргарлиги савиясига талаблар белгиланди.

Мазкур ҳужжатнинг “Умумий қоидалар” бўлимида «Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга қўйиладиган давлат талабларига мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш истиқболлари, таълим муассасаларининг эҳтиёжлари, янги педагогик технологияларни ва ўқитишнинг ноанъанавий шакллари ривожлантириш, педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш соҳасидаги жаҳон ютуқлари ва анъаналаридан келиб чиқиб Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш давомида тузатишлар киритилиши ва тўлдирилиши мумкин», – деб таъкидланган.

Мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий юксалишининг юқори суръатлари педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга қўйиладиган давлат талабларини ҳам даврий равишда такомиллаштириб ва янгилаб бориш заруриятини туғдиради. Мазкур зарурият туфайли “Халқ таълими муассасалари раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш таълимининг мазмуни ҳамда

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг 2007 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2008 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси.

сифатига қўйиладиган Давлат талаблари” қайтадан ишлаб чиқилди, вазирликнинг 2012 йил 25 июлдаги 227-сонли буйруғи билан тасдиқланиб, “Ўзстандарт” Давлат агентлигида 2013 йил 5 мартда O`zDSt 2767:2013 3523-қайд рақами билан давлат рўйхатига олинди.

Эътиборигизга ҳавола этилаётган ушбу тўплам халқ таълими тизими раҳбар ҳамда педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларининг юқорида қайд этилган меъёрий ҳужжатлари ва ўқув-услубий мажмуаларини ўзида жамлаган 16 та тўпламдан биридир.

Тўплам халқ таълими тизимидаги раҳбар ва педагог кадрлар малакасини ошириш курсларининг таянч ўқув режаларининг таркибий тузилишига мос равишда шакллантирилди:

Мазкур тўплам таянч ўқув режасининг “Мутахассислик фанлари” ўқув блоки таркибига кирувчи ўқув модулларига оид бўлиб, раҳбар ва педагог кадрлар малакасини ошириш курслари учун алоҳида-алоҳида тарзда шакллантирилган.

Педагог кадрлар малакасини ошириш курсларининг таянч ўқув режасида “Мутахассислик фанлари” ўқув блоки “Фаннинг назарияси ва ўқитиш методикаси”, “Фанни ўқитишда педагогик технологиялар”, “Фанни ўқитишда ахборот технологиялари” ҳамда “Танлов мавзулари” ўқув модулларини ўз таркибига олгани ҳолда раҳбар кадрлар учун мазкур ўқув блоки “Таълим муассасаларини бошқариш”, “Таълим муассасаларини бошқарувда иқтисодий масалалар”, “Фаннинг назарияси ва ўқитиш методикаси” ҳамда “Танлов мавзулари” ўқув модулларидан иборат.

“Мутахассислик фанлари” ўқув блокнинг юқоридаги тузилишидан келиб чиқиб, педагог кадрлар малакасини ошириш курслари учун яратилган **учинчи** тўплам хорижий (инглиз тили) тиллар ўқитувчилари малакасини оширишга бағишланган бўлиб, таянч ўқув режасининг “Мутахассислик фанлари” блоки таркибига кирувчи ўқув модуллари бўйича давлат талаблари, ўқув-мавзу режалари ва ўқув дастурларини ўз таркибига қамраб олган.

Тўпламга киритилган талаблар, ўқув-мавзу режа ва ўқув дастурларини такомиллаштириш ишлари, уларни амалиётда қўллаш тажрибасидан келиб чиқиб, давом этаверади. Шунинг учун ҳам уларни янада янгилашга оид фикр-мулоҳаза ва танқидий қарашларни мамнуният билан қабул қиламиз.

Манзилимиз: Тошкент-100095, Зиё кўчаси, 5-уй, Мактабгача таълим муассасалари ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш республика ўқув методика Маркази

## **УМУМИЙ ТАЛАБЛАР**

Мазкур талаблар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 февралдаги «Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги 25-сонли қарори 1-иловасининг 8 бўлимида «Педагог кадрларнинг тайёрланганлигига қўйиладиган талаблар. Умумий малака талаблари» билан тасдиқланган ва барча педагог ходимлар учун умумий ҳисобланади.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури замонавий педагог жавоб бериши керак бўлган талаблар комплексини белгилайди. Қуйидагилар мутахассиснинг педагогик ишга тайёрланганлигининг зарур ва етарли даражасини таъминлайдиган асосий (фундаментал) талаблар ҳисобланади:

- ўқитиш (дарс бериш) маҳорати;
- тарбиялаш маҳорати;

ўқув-тарбия жараёнида гуманитар омилни таъминлайдиган шахсий сифатлар;  
таълим олаётганларнинг билимларини ҳолисона назорат қилиш ва баҳолаш маҳорати.

**Ўқитиш (дарс бериш) маҳорати** қуйидаги талаблар билан белгиланади:  
касбий лаёқат ва эрудиция;

психологик-педагогик тайёргарлик;

таълим олувчиларни мустақил фикрлашга ва янги билимлар олишга ўргатиш маҳорати;

ўқув адабиётлари шакллари ва турларини билиш;

янги педагогик ва ахборот технологияларини эгаллаганлик, Интернетнинг глобал тармоғи билан ишлаш бўйича амалий кўникмалар;

педагог кадрлар малакасини оширишнинг асосий шакллари билиш;

илмий-педагогик ижодиёт методологиясини билиш;

педагогика фани ва соҳасини ривожлантиришнинг асосий йўналишларини билиш;

предметларро алоқалардан фойдаланиш маҳорати;

риторика ва нотиклик санъати асосларини билиш;

Болалар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияни, «Таълим тўғрисида» ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги қонунларни, узлуксиз таълим тизимининг асосий атамалари ва тушунчаларини билиш.

**Тарбиялаш маҳорати** ўқитиш ва тарбиялаш жараёнининг боғлиқлиги, унинг уйғун ривожланган шахсни шакллантиришга, уларда юксак маданий ва маънавий савияни қарор топтиришга, педагогнинг юксак шахсий сифатларига, унинг ватанпарварлик, обрў ва бурчни ҳис этишига, кенг гуманитар ва гуманистик тайёрлигига, шунингдек, ўқувчилар ўртасида тарбиявий ишларни ташкил этишнинг амалий кўникмаларига асосланади.

Педагогнинг ўқув-тарбиявий жараёндаги гуманитар омилни белгилайдиган **шахсий сифатларига** қуйидагилар киради: талабчанлик, ҳаққонийлик, ҳалоллик, меҳрибонлик, хушмуомалалик. Ушбу сифатлар педагогнинг таълим олувчилар учун аҳамиятини белгилаши керак. Шахсий сифатлар ўқитиш (дарс бериш) ва тарбиялаш маҳоратига таъсир кўрсатади.

**Таълим олувчиларнинг билимларини ҳолисона назорат қилиш ва баҳолаш маҳорати** психологик-педагогик жиҳатдан ўқитиш (дарс бериш) ва тарбиялаш маҳорати билан узвий боғлиқдир.

Педагог таълим олувчиларнинг билимлари ва маҳоратини ҳолисона баҳолаш принциплари, методлари ва механизмларини билиши, стандартлаштирилган тестларни ишлаб чиқиш, таълим олувчиларнинг ўзлаштиришини назорат қилишнинг турли шакллари самарали қўллаш маҳоратига эга бўлиши керак.

Умумий талаблардан ташқари, педагог кадрларга таълим турига кўра алоҳида талаблар қўйилади.

**ҚР ХТВ, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ХТВ мактабгача таълим бўйича мутахассислари, ҳудудий таълим маркази, ХТМФМТТЭ туман (шаҳар) бўлимларининг мактабгача таълим бўйича методистлари малакасини ошириш курси бўйича такомиллаштирилган давлат талаблари Тингловчилар қуйидаги билимга эга бўлиши лозим:**

-Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги ва “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги қонунларини билиши; (ЎМР 3.1.1, ЎД 3.1.1)

-Мактабгача таълим Концепцияси ва уни амалиётга татбиқ этиш. “Мактабгача таълимга қўйиладиган Давлат талабларини” билиши; (ЎМР 3.1.3, ЎД 3.1.3)

-Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари, Фармойишлари. Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари, ХТВнинг Қарор ва буйруқлари ижросини таъминлаш жараёнини билиши; (ЎМР 3.1.1, ЎД 3.1.1)

-Такомиллаштирилган “Болажон” таянч дастурини билиши; (ЎМР 3.1.2, ЎД 3.1.2)

-Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2011 йил 2 ноябрдаги “Мактабгача таълим муассасаларининг иш ҳужжатлари тўғрисида”ги 252-сонли буйруғини билиши; (ЎМР 3.1.4, ЎД 3.1.4)

-методик хизмат самарадорлигини оширишда методика уюшмаларнинг меъёрий ҳужжатларини юриш; (ЎМР 3.1.9, ЎД 3.1.9)

- Халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимлари томонидан мактабгача таълим муассасаларини назорат қилишни билиши; (ЎМР 3.1.5, ЎД 3.1.5)

-мактабгача ёшдаги болаларнинг жисмоний, ижтимоий-ҳиссий, ақлий ривожланиши босқичларини билиши; (ЎМР 3.1.2, ЎД 3.1.2)

- Мактабгача таълим муассасасида кадрлар билан ишлаш масалалари. (ЎМР 3.1.12, ЎД 3.1.12)

**Қуйидаги кўникмаларга эга бўлишлари керак:**

-“Мактабгача таълимга қўйиладиган Давлат талаблари”ни амалиётга жорий эта оладилар; (ЎМР 3.1.3, ЎД 3.1.3)

-“Болажон” таянч дастурини амалиётга татбиқ эта оладилар; (ЎМР 3.1.2, ЎД 3.1.2)

-“Билимдон” дастурини билиши; (ЎМР 3.1.13, ЎД 3.1.13)

-Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2011 йил 2 ноябрдаги “Мактабгача таълим муассасаларининг иш ҳужжатлари тўғрисида”ги 252-сонли буйруғи асосида мактабгача таълим муассасаларида меъёрий ҳужжатларни талаб даражасида юрита оладилар;(ЎМР 3.1.4, ЎД 3.1.4)

-Болага йўналтирилган таълимда интерфаол усулларни қўллай оладилар; -  
Интерфаол методларнинг 4 асосий тури ажрата оладилар; (ЎМР 3.3.1, ЎД 3.3.1)

-Мактабгача таълим тизимида ахборот коммуникацион техникаларининг мақсад ва вазифалари, ҳамда улардан фойдаланиш;(ЎМР 3.2.1, ЎД 3.2.1)

-Мактабгача таълим муассасаларида машғулотларни ташкил этишда компьютер дастурларидан фойдалана олади.(ЎМР 3.2.3, ЎД 3.2.3)

**Қуйидаги малакага эга бўлади:**

-Мактабгача таълим муассасасида педагогик кенгашни интерфаол усулда олиб бора оладилар ва унинг ҳужжатларини тўғри расмийлаштира оладилар; (ЎМР 3.1.6, ЎД 3.1.6.)

-Мактабгача таълим муассасаларида тарбиячиларнинг иш ҳужжатларини тўғри юритиш, кундалик фаолиятни режалаштириш, назорат машғулотини таҳлил қилиш, таълим-тарбия жараёнини мониторинг таҳлилинини тўғри таҳлил қила оладилар; (ЎМР 3.1.7, ЎД 3.1.7.)

- Мактабгача таълим муассасасида жисмоний тарбия машғулотини ташкил эта оладилар; (ЎМР 3.1.10, ЎД 3.1.10)

-Мактабгача таълим муассасасида нутқ ўстириш ва саводга тайёргарлик машғулотини ўтказишда интерфаол усулларни қўллай оладилар; (ЎМР 3.1.11, ЎД 3.1.11)

- Мактабгача таълим муассасаларида нутқ ўстириш методикасини амалий қўллай оладилар; (ЎМР 3.1.11, ЎД 3.1.11)

Мактабгача ёшдаги болаларнинг майда қўл моторикасини ривожлантиришда М.Монтессори методикасини қўллай олади; (ЎМР 3.3.3, ЎД 3.3.3)

Introduction (Танишув) мавзусида сўзлай олади (ЎМР 3.5.1, ЎД 3.5.1)

My Educational Institution (Менинг таълим муассасам) мавзусида сўзлай олади (ЎМР 3.5.3, ЎД 3.5.3)

About Professions. (Касб ва мутахассислик ҳақида) мавзусида сўзлай олади (ЎМР 3.5.1, ЎД 3.5.1)

My daily routine. (Менинг кундалик ҳаётим) мавзусида сўзлай олади (ЎМР 3.5.4, ЎД 3.5.4)

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ

## ЎҚУВ РЕЖА

Малака ошириш тоифаси:

Таълим тури – МАЛАКА ОШИРИШ

Ўқиш муддати – 1 ой

MT129

Таълим шакли – кундузги

МТМХҚТМОРЎММ

## I. ЎҚУВ ЖАРАЁНИ ЖАДВАЛИ

Вақт	Кунлар																								Ўқув жараёни			
	1-хафта						2-хафта						3-хафта						4-хафта						Жами	Назарий	Амалий	Кўчма
Кун	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21	22	23	24	24			
Кун															К										24	23		1
Соат	6	6	6	6	6	6	6	6	6	6	6	6	6	6	6	6	6	6	6	6	6	6	6	6	144	50	90	4
	Назарий ва амалий таълим																		К	Кўчма амалий машғулот								

## II. ЎҚУВ РЕЖАСИ

T/p	Ўқув фанлари, фан модуллари ва блокларнинг номлари	Умумий ўқув юклама ҳажми		Аудитория машғулотлари (соатларда)				Соатларнинг ҳафталар бўйича тақсими							
								1-хафта	2-хафта	3-хафта	4-хафта				
		Соат	%	Жами	Маъруза	Амалий	Кўчма машғулот	Ҳафтадаги соатлар сони							
								36	36	36	36				
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12				
1	<b>Ижтимоий фанлар</b>	<b>28</b>	<b>19,4</b>	<b>28</b>	<b>14</b>	<b>14</b>		<b>10</b>	<b>8</b>	<b>10</b>					
1.1	Иқтисодиёт масалалари	6		6	4	2		2	4						
1.2	Ҳуқуқ масалалари	8		8	4	4		4	4						
1.3	Миллий ғоя ва маънавият асослари	14		14	6	8		4		10					
2	<b>Умумқасбий фанлар</b>	<b>30</b>	<b>20,8</b>	<b>30</b>	<b>10</b>	<b>20</b>		<b>16</b>	<b>14</b>						
2.1	Педагогиканинг долзарб масалалари	6		6	2	4		4	2						
2.2	Психологиянинг долзарб масалалари	12		12	4	8		8	4						
2.3	Мулоқот маданияти	4		4	2	2		4							
2.4	Ахборот технологиялари	8		8	2	6			8						
3	<b>Мутахассислик фанлари</b>	<b>78</b>	<b>54,2</b>	<b>78</b>	<b>22</b>	<b>52</b>	<b>4</b>	<b>10</b>	<b>14</b>	<b>24</b>	<b>30</b>				

3.1	Мактабгача таълим муассасаларига методик хизмат кўрсатишни ташкил этиш, бошқариш ва мувофиқлаштириш	34		34	12	18	4	10	6	10	8
3.2	Мактабгача таълимда ахборот технологияларидан фойдаланиш	10		10	4	6				6	4
3.3	Мактабгача таълимда педагогик технологиялар	8		8	4	4				4	4
3.4	Мактабгача таълим муассасалари бошқарувида иқтисодий масалалар	10		10	2	8				4	6
3.5	Хорижий тил асослари	8		8		8			8		
3.6	Танлов мавзулари	8		8		8					8
<b>4</b>	<b>Институт ихтиёридаги соатлар</b>	<b>8</b>	<b>5,6</b>	<b>8</b>	<b>4</b>	<b>4</b>				<b>2</b>	<b>6</b>
4.1	Долзарб мавзулар	8		8	4	4			2		6
	<b>Ҳаммаси</b>	<b>144</b>	<b>100,0</b>	<b>144</b>	<b>50</b>	<b>90</b>	<b>4</b>	<b>36</b>	<b>36</b>	<b>36</b>	<b>36</b>



**ҚР ХТВ, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ХТВ мактабгача таълим бўйича  
мутахассислари, ҳудудий таълим маркази, ХТМФМТТЭ туман (шаҳар)  
бўлимларининг мактабгача таълим бўйича методистларининг мактабгача таълим  
бўлими ўқитувчилари малакасини ошириш курсининг  
Ў Қ У В - М А В З У Р Е Ж А С И**

№	М А В З У Л А Р	Маъруза	семинар	Кўчма машғулот	Жами
<b>III Мутахассислик фанлари</b>					
<b>3.1. Мактабгача таълим муассасаларига методик хизмат кўрсатишни ташкил этиш, бошқариш ва мувофиқлаштириш</b>					
3.1.1.	Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари, Фармойишлари. Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари, ХТВнинг Қарор ва буйруқлари ижросини таъминлаш жараёни.	2	2	-	4
3.1.2.	Такомиллаштирилган “Болажон” таянч дастури ва уни амалиётга татбиқ этиш.	-	2	2	4
3.1.3.	Мактабгача таълим Концепцияси ва уни амалиётга татбиқ этиш. “Мактабгача таълимга кўйиладиган Давлат талаблари” ва уни амалиётга жорий этиш технологиялари.	2	-	-	2
3.1.4.	Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2011 йил 2 ноябрдаги “Мактабгача таълим муассасаларининг иш хужжатлари тўғрисида”ги 252-сонли буйруғи асосида мактабгача таълим муассасаларида меъёрий хужжатларни юритилиши.	2	-	2	4
3.1.5.	Халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимлари томонидан мактабгача таълим муассасаларини назорат қилиш	2	-	-	2
3.1.6.	Мактабгача таълим муассасасида педагогик кенгаш ва унга раҳбарлик.	-	2	-	2
3.1.7.	Мактабгача таълим муассасаларида таълим-тарбия жараёнини режалаштириш ва назорат қилиш, диагностика.	-	4	-	4
3.1.8.	Мактабгача таълим бўйича методик ишларни ташкил қилиш вазифалари, мазмуни ва шакллари	2	-	-	2
3.1.9.	Методик хизмат самарадорлигини оширишда методика уюшмаларнинг ўрни.	-	2	-	2
3.1.10.	Мактабгача таълим муассасасида жисмоний тарбияни ташкил этиш ва амалга ошириш.	-	2	-	2
3.1.11.	Мактабгача таълим муассасасида нутқ ўстириш методикаси.	2	2	-	4
3.1.12.	Мактабгача таълим муассасасида кадрлар билан ишлаш масалалари.	-	2	-	2
3.1.13.	“Билимдон” дастури ва уни амалиётга татбиқ этиш.	-	2	-	2
	<b>Жами</b>	<b>12</b>	<b>18</b>	<b>4</b>	<b>34</b>
<b>3.2. Мактабгача таълимда ахборот технологияларидан фойдаланиш</b>					

3.2.1	Мактабгача таълим тизимида ахборот коммуникацион техникаларининг мақсад ва вазифалари, ҳамда улардан фойдаланиш.	2	2	-	4
3.2.2	Мактабгача таълим муассаларида машғулотларни моделлаштириш, компьютер дастурлари.	2	2	-	4
3.2.3	Мактабгача таълим муассаларида машғулотларни ташкил этишда компьютер дастурларидан фойдаланиш.	-	2	-	2
	<b>Жами</b>	<b>4</b>	<b>6</b>	<b>-</b>	<b>10</b>
<b>3.3. Мактабгача таълимда педагогик технологиялар</b>					
3.3.1	Педагогик технология тушунчаси, унинг таърифлари ва методикадан фарқи. Педагогик технология турлари.	2	2	-	4
3.3.2	Таълимда инновация.	2	-	-	2
3.3.3	Болага йўналтирилган таълим.	-	2	-	2
	<b>Жами</b>	<b>4</b>	<b>4</b>	<b>-</b>	<b>8</b>
<b>3.4. Мактабгача таълим муассасалари бошқарувида иқтисодий масалалар</b>					
3.4.1	Мактабгача таълим соҳасидаги тадбиркорликни менежмент ва маркетингни жорий қилиш йўллари.	2	-	-	2
3.4.2	Мактабгача таълим муассасаларида молиялаштириш масалалари	-	4	-	4
3.4.3	Мактабгача таълим муассасаларида овқатлантиришни ташкил этишга оид меъёрий ҳужжатларни юритилиши.	-	4	-	4
	<b>Жами</b>	<b>2</b>	<b>8</b>	<b>-</b>	<b>10</b>
<b>3.5. Хорижий тил асослари</b>					
3.5.1	Introduction (Танишув)	-	2	-	2
3.5.2	My Educational Institution (Менинг таълим муассасам)	-	2	-	2
3.5.3	About Professions. (Касб ва мутахассислик ҳақида)	-	2	-	2
3.5.4	My daily routine. (Менинг кундалик ҳаётим)	-	2	-	2
	<b>Жами</b>	<b>-</b>	<b>8</b>	<b>-</b>	<b>8</b>
<b>3.6. Танлов мавзулари</b>					
3.6.1	Инклюзив таълимнинг мақсад, вазифалари, ҳуқуқий асослари. Мактабгача таълим муассасаларида инклюзив таълимни жорий этиш.	-	2	-	2
3.6.2	Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган куннинг 23 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишида Президентимиз Ислом Каримовнинг маърузасининг мазмун-моҳиятини ўрганиш	-	2	-	2
3.6.3	И.А.Каримов “Она юртимиз бахти иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш –энг олий саодатдир” асарининг мазмуни ва моҳияти.	-	2	-	2
3.6.4	“Ўзбекистон Республикасида 2013-2017 йилларда ОИВ инфекциясига қарши кураш бўйича Стратегик дастур” ижроси бўйича амалга ошириладиган ишлар	-	2	-	2
	<b>Жами</b>	<b>-</b>	<b>8</b>	<b>-</b>	<b>8</b>
<b>4.1. Долзарб мавзулар</b>					

4.1.1	“Соғлом бола йили” Давлат дастурининг моҳияти ва устувор вазифалар. Мактабгача таълимга қамраб олинмаган болаларни ота-оналари учун яратилган 5 номдаги қўлланма асосида болаларни оилада мактаб таълимига тайёрлашда ота-оналар билан ҳамкорлик ва унинг аҳамияти	2	-	-	2
4.1.2	Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган куннинг 21 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишида Президентимиз Ислон Каримовнинг “Амалга ошираётган ислохотларимизни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти қуриш –ёруғ келажагимизнинг асосий омилдир” мавзусидаги маърузаси мазмун-моҳиятини ўрганиш.	2	-	-	2
4.1.3	Мактабгача таълим муассасасида экологик тарбия.	-	2	-	2
4.1.4	Мамлакатимизда 2016йил - “Соғлом она, соғлом бола” йилининг моҳияти ва устувор вазифалар	-	2	-	2
	<b>Жами</b>	<b>4</b>	<b>4</b>	<b>-</b>	<b>8</b>
	<b>Умумий соат</b>	<b>50</b>	<b>90</b>	<b>4</b>	<b>144</b>

### 3.1. “Мактабгача таълим муассасаларига методик хизмат кўрсатишни ташкил этиш, бошқариш ва мувофиқлаштириш” модулининг ўқув-мавзу режаси

3.1.1	Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари, Фармойишлари. Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари, ХТВнинг Қарор ва буйруқлари ижросини таъминлаш жараёни.	2	2	-	4
3.1.2	Тақомиллаштирилган “Болажон” таянч дастури ва уни амалиётга татбиқ этиш.	-	2	2	4
3.1.3	Мактабгача таълим Концепцияси ва уни амалиётга татбиқ этиш. “Мактабгача таълимга қўйиладиган Давлат талаблари” ва уни амалиётга жорий этиш технологиялари.	2	-	-	2
3.1.4	Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2011 йил 2 ноябрдаги “Мактабгача таълим муассасаларининг иш хужжатлари тўғрисида”ги 252-сонли буйруғи асосида мактабгача таълим муассасаларида меъёрий хужжатларни юритилиши.	2	-	2	4
3.1.5	Халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимлари томонидан мактабгача таълим муассасаларини назорат қилиш	2	-	-	2
3.1.6	Мактабгача таълим муассасасида педагогик кенгаш ва унга раҳбарлик.	-	2	-	2
3.1.7	Мактабгача таълим муассасаларида таълим-тарбия жараёнини режалаштириш ва назорат қилиш, диагностика.	-	2	-	2
3.1.8	Мактабгача таълим бўйича методик ишларни ташкил қилиш вазифалари, мазмуни ва шакллари	2	-	-	2
3.1.9	Методик хизмат самарадорлигини оширишда методика уюшмаларнинг ўрни.	-	2	-	2

3.1.10	Мактабгача таълим муассасасида жисмоний тарбияни ташкил этиш ва амалга ошириш.	-	2	-	2
3.1.11	Мактабгача таълим муассасасида нутқ ўстириш методикаси.	2	2	-	4
3.1.12	Мактабгача таълим муассасасида кадрлар билан ишлаш масалалари.	-	2	-	2
3.1.13	“Билимдон” дастури ва уни амалиётга татбиқ этиш.	-	2	-	2
	<b>Жами</b>	<b>12</b>	<b>18</b>	<b>4</b>	<b>34</b>

**3.1. “Мактабгача таълим муассасаларига методик хизмат кўрсатишни ташкил этиш, бошқариш ва мувофиқлаштириш” модули бўйича малака ошириш курсининг ўқув дастури**

**1-мавзу: Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари, Фармойишлари. Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари, ХТВнинг Қарор ва буйруқлари ижросини таъминлаш жараёни. (2 соат маъруза, 2соат семинар)**

Мактабгача таълим муассасаларида меъёрий хужжатлар билан ишлаш, Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари, Фармойишлари. Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари, Халқ таълими вазирлигининг буйруқлари ва ўз хужжатлари билан ишлаш тартиби тўғрисида маълумотлар бериш.

**2-мавзу: Такмиллаштирилган “Болажон” таянч дастури ва уни амалиётга татбиқ этиш. (2 соат семинар, 2соат кўчма машғулот)**

“Болажон” таянч дастурининг мақсади, вазифаси, тамойиллари.

Дастурнинг тузилмаси: кириш, киришдан сўнг ҳар бир ёш бўйича:

- Болаларнинг ривожланиш хусусиятлари
- Жисмоний ривожланиш
- Машғулотлар жадвали (ҳафталик, ойлик, 1-ярим, 2-ярим йиллик ва жами )
- Ижтимоий-ҳиссий ривожланиш
- Нутқ, ўқиш ва саводга тайёргарлик
- Билиш жараёни: атроф олам тўғрисидаги билимга эга бўлиш ва уни англаш йўналишлари ёритилган.
- Фойдаланилган адабиётлар (139-140 бетларда)
- Машғулотлар мавзули-тақвим режаси ёшлар бўйича берилган. (Илк ёш гуруҳ (2-3 ёш), Кичик гуруҳ (3-4 ёш), Ўрта гуруҳ (4-5 ёш), Катта гуруҳ (5-6 ёш), Мактабга тайёрлов гуруҳ (6-7 ёш) ).

“Болажон” таянч дастурининг йўналишларини ёритиб бериш.

**3-мавзу: Мактабгача таълим Концепцияси ва уни амалиётга татбиқ этиш. “Мактабгача таълимга қўйиладиган Давлат талаблари” ва уни амалиётга жорий этиш технологиялари. (2 соат маъруза)**

Ўзбекистон Республикасининг мактабгача таълим Концепциясининг асосий мазмуни, мақсади, вазифалари, янгиланиш тамойиллари, амалга оширишнинг усул ва моделлари ҳақида.

Мактабгача таълим тизимининг тузилиш тавсифи, мактабгача таълим муассасалари ва педагогик технологияларни услубий таъминланиш тавсифи ҳақида.

Концепциянинг ҳуқуқий асоси бўлиб Ўзбекистон Республикасининг қуйидаги ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлари: Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, “Таълим тўғрисидаги” Қонуни, “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” ва таълим соҳасидаги ва мактабгача таълим тизимидаги ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлари ҳақида.

Давлат талаблари нима? Бу-Болалар нима билишлари зарур ва нималарни бажариши мумкинлигини кўзда тутган натижалар тушунчаси эканлиги, мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган Давлат талаблари аниқ бир ёшдаги боланинг ривожланиш стандартларини ва боланинг ютуқлари ва ривожланиш даражасини баҳолаш имкониятини берувчи индикаторларни белгилаши. Ушбу ҳужжат, биринчи навбатда, оилаларга боланинг тўлақонли ривожланиши, таълим-тарбиясида, уни мактабда таълим олишга самарали тайёрлашда ёрдам беришни назарда тутиши, Давлат талаблари мактабгача таълимнинг мазмунини белгилаши ва мулк шаклидан қатъий назар, мактабгача таълим муассасаларини болаликнинг қадр-қимматини сақлаб қолган ҳолда барча болаларнинг тенгҳуқуқлигини ва ҳар бир боланинг индивидуал ривожланишини тадбиқ этишга йўналтирилганлиги, Давлат талабларининг ўзгартиришга сабаб бўлган омиллар, Давлат талабларининг 4 йўналишлари: жисмоний ривожланиш, ўз-ўзига хизмат ва гигиена; ижтимоий - ҳиссий ривожланиш; нутқ, ўқиш ва саводга тайёргарлик; билиш жараёни, атроф олам тўғрисидаги билимга эга бўлиш ва уни англаш ҳақида тушунча бериш.

**4-мавзу: Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2011 йил 2 ноябрдаги “Мактабгача таълим муассасаларининг иш ҳужжатлари тўғрисида”ги 252-сонли бўйруғи асосида мактабгача таълим муассасаларида меъёрий ҳужжатларнинг юритилиши. (2 соат маъруза, 2соат кўчма машғулот)**

2011 йил 2 ноябрдаги “Мактабгача таълим муассасаларининг иш ҳужжатлари тўғрисида”ги 252-сонли бўйруғига иловасини таҳлил қилиш: 01–Ташкилий масалалар, 02-Таълим-тарбиявий ишлар, 09-Тиббий ҳужжатлар, 10- Кадрлар иш ҳужжатлари, 11–МТМнинг молиявий хўжалиги иш ҳужжатлари, 12–Иш юритиш ва архив, 13-Бухгалтернинг иш ҳужжатлари, 14-Махсус муассасада фаолият юритувчи мудиранинг ҳужжатлари, 15-Махсус мактабгача таълим муассасаларида дефектологнинг ишини олиб боровчи ҳужжатлар, 16-Махсус мактабгача таълим муассасаларида тарбиячининг иш ҳужжатлари, 17-Умумий типдаги мактабгача таълим муассасаларида дефектологлар ишини олиб боровчи меъёрий ҳужжатлар, 18-Умумий типдаги мактабгача таълим муассаса мудирасиси қошидаги тиббий-психолого-педагогик-комиссиянинг текшириш журнали (мудирада туради) ва сақланиш муддати ҳақида маълумот бериш.

**5-мавзу: Халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимлари томонидан мактабгача таълим муассасаларини назорат қилиш. (2 соат маъруза)**

Назорат қилиш - Давлат назорати, халқ таълими бўлимлари томонидан раҳбарликнинг энг муҳим шакли эканлиги.

Назорат қилишнинг мақсади, вазифалари ва унга қўйиладиган талаблар.

Назорат қилишга тайёргарлик ва унинг босқичлари.

Назорат қилишнинг усул ва услублари.

Мактабгача таълим муассасаларини фронтал-ялпи - ялпи текширишнинг асосий йўллари. Тематик текширишнинг мақсад ва вазифалари.

**6-мавзу: Мактабгача таълим муассасасида педагогик кенгаш ва унга раҳбарлик. (2 соат семинар)**

Педагогик кенгаш – бошқаришнинг жамоавий шакли. Педагогик кенгаш вазифалари, турлари ва шакллари.

Педагогик кенгашни ташкил этиш ва ўтказиш жараёнида педагогларни фаоллаштириш усуллари.

**7-мавзу: Мактабгача таълим муассасаларида таълим-тарбия жараёнини режалаштириш ва назорат қилиш, диагностика. (2 соат семинар)**

Мактабгача таълим муассасаларда таълим- тарбия жараёнини режалаштириш бўйича методик кўрсатмалар: тарбиячиларнинг иш ҳужжатлари ва уларнинг юритилиши, ҳар бир ёш гуруҳида ҳафта давомида ўтказиладиган машғулотлар сони ва ҳар бир машғулот қанча давом этиши, бир кунлик кундалик фаолиятнинг ёритилиши, мактабгача ёшдаги болаларнинг ривожланиш кўрсаткичларини таҳлил қилиш учун мезонлар, болаларнинг ривожланиш кўрсаткичларини таҳлил қилиш усуллари ёритиб бериш.

**8-мавзу: Мактабгача таълим бўйича методик ишларни ташкил қилиш вазифалари, мазмуни ва шакллари (2 соат маъруза)**

Мактабгача таълимга методик раҳбарлик ишининг ташкилий тузилиши ва вазифалари.

Республикада мактабгача таълим кабинетининг тузилиши ва иш мазмуни, вазифалари.

Туман методик кабинетининг иш мазмуни ва вазифалари.

Семинар, семинар-машғулотлари.

Методик уюшмалар.

**9-мавзу: Методик хизмат самарадорлигини оширишда методика уюшмаларнинг ўрни. (2 соат семинар)**

Методик уюшмалар ишининг асосий мазмуни: илғор иш тажрибаларни ўрганиш ва оммалаштириш, тренинглар ўтказиш, турли лойиҳалар тузиш, иш жараёнида турли интерфаол усуллардан фойдаланиш ҳақида. Методика уюшмалари ишини ташкил этиш ва уларга раҳбарлик қилиш ҳақида тушунча бериш. Методик уюшмаларнинг асосий иш йўналишлари. Методик уюшмаларда ўтказиладиган машғулотларни ўтказиш шакллари. Методик уюшма раҳбарининг вазифалари, методик уюшманинг ҳужжатларининг юритилиши.

**10-мавзу: Мактабгача таълим муассасасида жисмоний тарбияни ташкил этиш ва амалга ошириш. (2 соат семинар)**

Мактабгача таълим муассасаларида жисмоний тарбия машғулотларининг мақсад ва вазифалари. Турли гуруҳларда жисмоний тарбия машғулотларини ташкил этиш ва ўтказиш услубиёти. Болаларнинг асосий ҳаракатларига оид машқлар ва уларни ўргатиш усулларини ёритиб бериш.

**11-мавзу: Мактабгача таълим муассасасида нутқ ўстириш методикаси. (2 соат маъруза, 2 соат семинар)**

Болаларда оғзаки нутқни, атрофдагилар билан нутқий мулоқот кўникмаларини шакллантириш - методиканинг асосий мазмуни эканлиги.

Мактабгача таълимга қўйиладиган Давлат талабларининг асосий йўналишларидан бири нутқ, ўқиш ва саводга тайёргарликдан иборатлиги. Бу умумий вазифа –“Нутқ, ўқиш ва саводга тайёргарлик” қуйидаги махсус вазифалардан иборат: нутқнинг товуш маданиятини тарбиялаш, луғатини бойитиш, мустаҳкамлаш ва фаоллаштириш, нутқнинг грамматик тўғрилигини такомиллаштириш, оғзаки нутқни шакллантириш, равон нутқни ривожлантириш, саводга тайёрлаш эканлиги ҳақида тушунча бериб, ҳар бир махсус вазифа мазмунини алоҳида ёритиб бериш.

## **12-мавзу: Мактабгача таълим муассасасида кадрлар билан ишлаш масалалари. (2 соат семинар)**

Моддий жавобгарлик бўйича шартномалар тузиш. Ходимларнинг ишга қабул қилиш ҳужжатларининг юритилиши. Меҳнат дафтарчаларини юритиш тартиби тўғрисида йўриқнома. Шахсий варақа тўлдириш тартиби.

### **13-мавзу. “Билимдон” дастури ва уни амалиётга татбиқ этиш.**

Болаларни мактабга тайёрлаш учун мўлжаллаган қисқа муддатли гуруҳларда ўқитиш «Билимдон» дастури Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни, “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” ҳамда “Соғлом бола йили” Давлат дастурига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан ишлаб чиқилгани, ушбу дастур болани тўлақонли тарбиялаш, ўқитиш ва ривожлантиришни, уни мактаб таълимига самаралари тайёрлашни назарда тутиши,

Дастурнинг негизини бола шахсини ривожлантиришнинг асосий йўналишларига оид Давлат талаблари (2013 й.) ташкил этиши (жисмоний ривожланиш, ўз-ўзига хизмат ва гигиена; ижтимоий-ҳиссий ривожланиш; нутқ, ўқиш ва саводга тайёрлаш; билиш жараёни ва атроф муҳит тўғрисидаги билимларга эга бўлиш). Таълим беришга интеграллашган тарзда ёндашув боланинг ҳар томонлама ривожланишини таъминлаши ҳақида тушунча бериш.

### **Фойдаланган адабиётлар:**

1. Каримов И. А Юксак маънавият-енгилмас куч.-Т.: «Маънавият», 2008 й.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни.-Т.: 1997 йил 29 август.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”. – Т. 1997 йил 29 август.
- 4.“Мактабгача таълимга қўйиладиган Давлат талаблари” .-Т.: 2013 й
5. “Болажон” таянч дастури .-Т.: 2010 й.
- 6.Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2011 йил 2 ноябрдаги “Мактабгача таълим муассасаларининг иш ҳужжатлари тўғрисида”ги 252-сонли буйруғи
7. Ф. Р. Қодирова ва бошқалар. “Мактабгача ёшдаги болалар нутқини ўстириш”– Тошкент, 2011й.
- 8.Усмонхужаев Т.”Мактабгача таълим муассасаларда жисмоний тарбия”-Т.-2006й
- 9.М. Файзуллаева ва бошқалар. “Мактабгача таълим муассасаларида таълим- тарбия жараёнини режалаштириш” ”– Тошкент, 1914й.
10. «Мактабгача ёшдаги бўлган болалар учун ривожлантирувчи ўйинлар»-Тошкент, РТМ, 2003й.
11. Считалочка. Учебное пособие по математике для дошкольников.

А.Л.Генис, И.А.Зимнухова, А.М.Шитов. Москва-1998.

12. Н.У.Бикбаева ва бошқалар “Мактабгача ёшдаги болаларда математик тасаввурларни шакллантириш” Тошкент-1995.

13.3.Рахмонқулова “Мактабгача ёшдаги болаларда илк математик тасаввурларни шакллантириш” Тошкент-2013йил.

### **3.2. “Мактабгача таълимда ахборот технологияларидан фойдаланиш”**

#### **модулининг ўқув-мавзу режаси**

*(MT129, MT130, MT131, MT132 - малака тоифалари учун)*

<b>№</b>	<b>Мавзулар</b>				
3.2.1	Мактабгача таълим тизимида ахборот коммуникацион техникаларининг мақсад ва вазифалари, ҳамда улардан фойдаланиш.	2	2	-	4
3.2.2	Мактабгача таълим муассасаларида машғулотларни моделлаштириш, компьютер дастурлари.	2	2	-	4
3.2.3	Мактабгача таълим муассасаларида машғулотларни ташкил этишда компьютер дастурларидан фойдаланиш	-	2	-	2
	<b>Жами</b>	<b>4</b>	<b>6</b>	<b>-</b>	<b>10</b>

### **3.2. “Мактабгача таълимда ахборот технологияларидан фойдаланиш” модули**

#### **бўйича малака ошириш курсининг ўқув дастури**

*(MT129, MT130, MT131, MT132 - малака тоифалари учун)*

**1-мавзу: Мактабгача таълим тизимида ахборот коммуникацион техникаларининг мақсад ва вазифалари, ҳамда улардан фойдаланиш. (2 соат маъруза-2 соат семинар)**

Юртбошимиз таъкидлаганидек, “Таълим соҳасида ахборот ва компьютер технологиялари, интернет тизими, рақамли ва кенг форматли телекоммуникацияларнинг замонавий усуллари ўзлаштириш бугунги куннинг тараққиёт даражасини белгилаб беради. Бундай илғор тажрибиларни нафақат мактаб, лицей ва коллеж, олий ўқув юртлари, балки ҳар бир оила ҳаётига кириб бориши учун замин яратишнинг аҳамиятини чуқур англаб лозим”.

Ушбу жараёни амалга оширишда мактабгача таълим муҳим босқич ҳисобланади.

Мактабгача ёшдаги болаларга таълим-тарбия беришда ахборот коммуникацион техникаларида фойдаланиш, болаларнинг ўзлаштириш даражалари ҳамда кўникмаларининг ривожланишида юқори самара бериши янги педагогик технологиялар томонидан исботланган.

Бугунги кунда аксарият мактабгача таълим муассаларидан телелевизор, радио, мусиқа марказлари, DVD плейрлар, VCD плейрлар каби кўплаб АКТ воситалари компьютер техникаларидан фойдаланиб келинмоқда. Уларнинг самарали томони шундаки болалар ҳар бир машғулотни ҳам кўриб, ҳам эшитиб, ўзлари мустақил ва гуруҳ-гуруҳ бўлиб ўзлаштиришмоқдалар.

**2-мавзу: Мактабгача таълим муассасаларида машғулотларни моделлаштириш, компьютер дастурлари. (2 соат маъруза-2 соат семинар)**



Машғулотлар режасини шакллантириш. Машғулотга мос кўргазмалар ва керакли материаллар тўплаш. Материалларни чуқур таҳлил қилиб саралаш ишларини пухта тайёрлаш. Материаллар асосида машғулотнинг сценарийсини ишлаб чиқиш.

### **3-мавзу: Мактабгача таълим муассасаларида машғулотларни ташкил этишда компьютер дастурларидан фойдаланиш (2 соат семинар)**

Microsoft Office, Paint, Corel DRAW, Adobe Photoshop, Macromedia Flash дастурларининг вазифалари. Матнларга ишлов бериш, ранглар билан ишлаш. Матнларни турли ҳолатларда жойлаштириш. Графика ҳақида тушунча. Саҳифа параметрларини сошлаш. Графикларни яратишда компьютер дастурларини танлаш. Дастурларда оддий графиклар ясаш. Анимация ҳақида тушунча. Анимацияларни яратишда компьютер дастурларини танлаш. Оддий анимациялар яратиш.

#### **Адабиётлар рўйхати**

1. Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч.-Т.: «Маънавият», 2008 й.
2. Умумий ўрта таълимнинг Давлат таълим стандарти ва ўқув дастури.-Т.: “Таълим тараққиёти” журнали, 1999 йил 3-сон.
3. УЎТ Давлат таълим стандартлари: ИХТА асослари фани бўйича ўқув дастури. – Тошкент, 2006 й.
4. Информатика. 5-синф учун дасрлик.-Т.: «Аср- матбуот» нашриёти, 2006 й.
5. Информатика. 6-синф учун дасрлик.-Т.: «Қалдирғоч» нашриёти, 2007 й.
6. Баҳромов А.А. Малака ошириш тизимида янги ахборот технологиялари. –«Халқ таълими» журнали, 4- сон, 2000 й.
7. Ғуломов С. Ахборот тизимлари ва технологиялари.-Т.: «Шарқ», 2000 й.
8. Марахимов А.Р., Раҳманкулова С.И. Интернет ва ундан фойдаланиш.- Тошкент, 2001 й.
9. Орипов М., Ҳайдаров А. Информатика асослари.-Т.: «Ўқитувчи», 2002 й.
10. Абдуқодиров А., Хаитов А., Рашидов Р. Ахборот технологиялари.- Т.: «Ўқитувчи», 2002 й.
11. Муртазин Э.В. Internet. Учебник.- Москва, 2002 г.
12. Саидов Т.Х. Ўқувчилар билимини баҳолашнинг рейтинг тизими (такомиллаштирилган варианты)дан фойдаланиш (Методик тавсия). - А.Авлоний номидаги ХТХҚТМОМИ, 2006 й.
13. Қодиров Т., Эрназаров А. Компьютерда ишлашни ўрганамиз. Методик тавсиянома. -А.Авлоний номидаги ХТХҚТМОМИ, 2006 й.
14. Назиров Ш.А., Қобулов Р.В. ва бошқалар. Компьютер ва офис жиҳозларидан фойдаланиш.-Тошкент, 2007 й.
15. Назиров Ш.А., Қобулов Р.В. Объектга мўлжалланган дастурлаш.-Тошкент, 2007 йил.

### **3.3. “Мактабгача таълимда педагогик технологиялар” модулининг ўқув-мавзу режаси**

**(MT129, MT130, MT131, MT132 - малака тоифалари учун)**

<b>№</b>	<b>Мавзулар</b>				
3.3.1	Педагогик технология тушунчаси, унинг таърифлари ва методикадан фарқи. Педагогик технология турлари.	2	2	-	4
3.3.2	Таълимда инновация	2	-	-	2

3.3.3	Болага йўналтирилган таълим.	-	2	-	4
	Жами	4	4		8

### 3.3. “Мактабгача таълимда педагогик технологиялар” модули бўйича малака ошириш курсининг ўқув дастури.

**1-мавзу: Педагогик технология тушунчаси, унинг таърифлари ва методикадан фарқи. Педагогик технология турлари. (2 соат маъруза, 2 соат семинар)**

Педагогик технология тушунчасининг келиб чиқиши, унинг сабаблари, унга бўлган эҳтиёжлар, унинг кенг қўламли, серқирра тушунча эканлиги. Педагогик технологиянинг турли таърифлари, ҳар бир таъриф маълум нуктаи-назардан ёндашишни ифодалаши. Айрим асосий таърифлар ва уларнинг шарҳлари.

**2-мавзу: Таълимда инновация.(2 соат маъруза)**

Таълим тизимида инновацион технологиялар. Ўқув жараёнида интерфаол услублар ва педагогик технологияларни қўллаш услугиёти Интерфаол усулларнинг афзалликлари Тренингнинг танишув босқичида қўлланиладиган методлар. Тренинглар ўтказиш ҳақида.

**3-мавзу: Болага йўналтирилган таълим. (2 соат семинар)**

Бола шахсини ривожлантиришга йўналтирилган таълим болага қизиқиши ва эҳтиёжига кўра ўқув дастурини танлаш ҳуқуқини, муносабат ва мулоқот қилиш кўникма ва малакаларини такомиллаштириш имкониятларини беради. Ушбу таълим болага мушоҳада қилиш, ўз амалий фаолиятида синаб кўриш, янги ғоя ва фикрларни билдириш, мавжуд муаммолар ечимининг самарали йўллари кидириш учун эркинлик беради, болаларнинг ижодий, танқидий тафаккурини ривожлантиради.

Болага йўналтирилган таълим марказида ўсаётган инсон, унинг ўз имкониятларини тўла намоён этишга интилиши, янги тажрибани қабул қилиши, турли ҳаётий вазиятларда онгли равишда ва масъулиятли қарор қабул қилишга қодирлиги туради. “Ривожланиш”, “Эркинлик”, “Мустақиллик”, “Ижод”, “Ўзига хослик” шахсга йўналтирилган таълимнинг калит сўзлари ҳисобланади.

Болага йўналтирилган таълимда ривожлантирувчи муҳитнинг аҳамияти ниҳоятда катта. Бола ривожлантирувчи муҳитдаги таълимий материаллар орқали ўз устида ишлайди ва ўзини шакллантиради.

Болага йўналтирилган таълимда ривожлантирувчи муҳитдаги марказлар: санъат, математика, табиат, қуриш-ясаш, очик майдонча, саҳналаштириш, адабиёт, пазандачилик, мусика, қум ва сув.

#### Адабиётлар

1. И.А.Каримов. Юксак маънавият-енгилмас куч. -Т.: «Маънавият», 2008.
- 2.Йўлдошев Ж.Ф., Усмонов С.А. Замонавий педагогик технологияларни амалиётга жорий қилиш – Т.: “Фан ва техника” 2008 й.
3. Колеченко А.Е. Энциклопедия педагогических технологий: Пособие для преподавателей. – СПб.: КАРО, 2002.

4. «Таълим самарадорлигини ошириш йўллари» мавзусидаги семинар-тренинг материаллари. Тошкент, 2002 й.

5. Таълимда янги педагогик технологиялар: муаммолар, ечимлар. Илмий-амалий конференция материаллари. Т., Ўз ПФИТИ, 1999 й.

### **3.4. “Мақтабгача таълим муассасалари бошқарувида иқтисодий масалалар” модулининг ўқув-мавзу режаси**

<b>Мавзулар</b>					
3.4.1	Мақтабгача таълим соҳасидаги тадбиркорликни менежмент ва маркетингни жорий қилиш йўллари.	2	-	-	2
3.4.2	Мақтабгача таълим муассасаларида молиялаштириш масалалари	-	4	-	4
3.4.3	Мақтабгача таълим муассасаларида овқатлантиришни ташкил этишга оид меъёрий хужжатларни юритилиши.	-	4	-	4
	<b>Жами</b>	<b>2</b>	<b>8</b>	<b>-</b>	<b>10</b>

### **3.4. “Мақтабгача таълим муассасалари бошқарувида иқтисодий масалалар” модули бўйича малака ошириш курсининг ўқув дастури.**

#### **1-мавзу. Мақтабгача таълим соҳасидаги тадбиркорликни менежмент ва маркетингни жорий қилиш йўллари. (2 соат маъруза)**

Таълим соҳасига менежментни жорий этиш йўллари.

Менежментнинг ўзи нима? Менежмент - бу ташкилотда ишлаётган одамларнинг меҳнати, ақли-заковати ва истакларини йуналтириб муайян мақсадга эришишни удалаш. Менежмент- бу барча ресурслардан оқилона фойдаланиш йўли билан кўзланган мақсадларга эришишга йуналтирилган касбий фаолият тури эканлиги.

Таълим муассасаларда маркетингни жорий қилиш йўллари. Маркетинг нима? Маркетинг тизимининг асосий босқичлари.

#### **2-мавзу. Мақтабгача таълим муассасаларида молиялаштириш масалалари. (4 соат семинар)**

Юридик мақомга эга бўлган таълим муассасалари фаолиятининг молияси, ҳисоби ва ҳисоботи. Бухгалтернинг мажбуриятлари. Молиялаштириш формуласи нима? Харажатлар сметалари ижросининг ҳисобига доир бухгалтерия хужжатлари.

#### **3-мавзу. Мақтабгача таълим муассасаларида овқатлантиришни ташкил этишга оид меъёрий хужжатларни юритилиши(4 соат семинар)**

Мақтабгача таълим муассасасида болаларни овқатлантиришни тўғри ташкил этишнинг асосий усуллари. Таомномаларни тузиш. Мақтабгача ёшдаги болаларни жисмонан соғлом ривожланишида овқатланишнинг аҳамияти. Овқат рационига киритиладиган таомлар ҳақида. Технологик хариталар билан ишлаш.

Болалар овқатига қўйиладиган гигиеник талаблар, озиқ-овқат маҳсулотларини таркибий қисмлари.

Мақтабгача ёшдаги болалар истеъмол қиладиган овқат миқдори.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. И.А.Каримов “ Ўзбекистон буюк келажак сари”. Т.: Ўзбекистон,1998й.
2. И.А.Каримов “ Ўзбекистон ХХI асрга интилмоқда. Т.: Ўзбекистон, 1999й.
3. Ўзбекистон Республика Президенти И.А.Каримовнинг “Жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари”
4. Р.Валижанов , О.Қобулов “Менежмент асослари”, Т.: Университет,1997й., 4-5 бетлар.
5. И.У.Муракаев, И.С.Саифназаров “Менежмент асослари”, Т.: Фан, 1996й.. 56-57 бетлар.
6. Ё.Абдуллаев “Бозор иқтисодиёти асослари”, 100 савол ва жавоб. Т.: Мехнат, 1997й., 7-21 , 71-105бетлар
7. У.Парпиев, И.Саломов “ Бозор иқтисодиёти асослари ва ишлаб чиқаришни ташкил қилиш”, Т.: Шарқ. 1996й.
8. Инструкция Цетрального Банка и Коммерческих Банков Республики.
9. Хаджаев Б.А. “ Халқаро иқтисодий муносабатлар ” 1998 й.
10. Ўзбекистон Республикасининг қонуни “Банк ва банк фаолияти ”

### 3.6. “Танлов мавзулари” модулининг ўқув-мавзу режаси (*MT129, MT130, MT131, MT132, MT133, MT 134, MT135, MT136, MT137 - малака тойфалари учун*)

<b>Мавзулар</b>					
3.6.1	Инклюзив таълимнинг мақсад, вазифалари, ҳуқуқий асослари. Мактабгача таълим муассасаларида инклюзив таълимни жорий этиш.	-	2	-	2
3.6.2	Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган куннинг 23йиллигига бағишланган тантанали йиғилишида Президентимиз Ислом Каримовнинг маърузасининг мазмун-моҳиятини ўрганиш	-	2	-	2
3.6.3	И.А.Каримов “Она юртимиз бахти иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш –энг олий саодатдир” асарининг мазмуни ва моҳияти.	-	2	-	2
3.6.4	“Ўзбекистон Республикасида 2013-2017 йилларда ОИВ инфекциясига қарши кураш бўйича Стратегик дастур” ижроси бўйича амалга ошириладиган ишлар	-	2	-	2
<b>Жами</b>		-	<b>8</b>	-	<b>8</b>

**3.6. “Танлов мавзулари” модули бўйича малака ошириш курсининг ўқув дастури  
1-мавзу. Инклюзив таълимнинг мақсад, вазифалари, ҳуқуқий асослари.  
Мактабгача таълим муассасаларида инклюзив таълимни жорий этиш. (2 соат  
семинар)**

Инклюзив таълимнинг ҳуқуқий-меъёрий асослари, Мактабгача таълим муассасаларининг инклюзив гуруҳлари фаолиятининг мақсад, вазифалари, Таълим шакллари, интеграциялашган муассасанинг вазифалари, инклюзив таълим жараёнида турли вазият, тамойиллар мавзуларининг мазмун моҳиятини тушунтириш.

## **2-мавзу: Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган куннинг 23 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишида Президентимиз Ислом Каримовнинг маърузасининг мазмун-моҳиятини ўрганиш. (2 соат семинар)**

Мамлакатимизда амалга оширилаётган оламшумул ўзгаришлар, шаҳар ва қишлоқларимизнинг қиёфаси тобора чирой очиб, аҳолимизнинг фаровонлиги юксалиб бораётгани ҳақида гапирганда, бундай янгиланишларнинг ғоят муҳим манбалари – аввало, одамларимизнинг онгу тафаккури, дунёқараши ва кайфияти тубдан ўзгариб, уларнинг ён-атрофимизда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга дахлдорлик ҳисси, эртанги кунга муносабати ва ишончи тобора мустаҳкамланиб, сиёсий савияси ва ҳуқуқий маданияти ўсиб бораётгани ҳақида алоҳида тўхталиш. Президентимиз Ислом Каримовнинг маърузасининг мазмун-моҳияти ҳақида тушунча бериш.

## **3-мавзу. И.А.Каримов “Она юртимиз бахти иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш –энг олий саодатдир” асарининг мазмуни ва моҳияти.(2 соат семинар)**

И.А.Каримов “Она юртимиз бахти иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш –энг олий саодатдир” асарининг мазмуни ва моҳияти ҳақида. Ушбу китобда давлатимиз раҳбарининг мамлакатимизни сиёсий ва иқтисодий ривожлантириш, жумладан, таълим-тарбия, илму фан, соғлиқни сақлаш, маданият ва санъат, спорт тизимини ривожлантиришга қаратилган ислохотлар, жамиятимизда аёллар, кексалар ва ёшларнинг ўрни, уларга янада қулай шароит ва имкониятлар яратиш билан боғлиқ масалалар, ҳар бир ҳудуд ва минтақа бўйича яқин ва ўрта истиқболга мўлжалланган режалар, устувор лойиҳалар, қадимий ва янги тарихимиз, Ўзбекистоннинг ташқи сиёсат концепцияси тўғрисидаги қарашлари ҳар томонлама пухта асосланган ҳолда баён қилинганлиги ҳақида.

1. Бизнинг мақсадимиз – эркин ва фаровон, демократик ҳаёт куриш.
2. Мустақиллик – тоғдек таянчимиз, қудратли заминимиздир.
